



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "19" mart

K-163 -son

Termiz sh.

Вилоятдаги мавжуд ерларнинг ердан фойдаланувчилар, ер турлари ва тоифалари бўйича 2021 йил 1 январь холатига ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисида 1998 йил 28 августдаги 666-1-сон Конунининг 10, 11-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги 2021 йил 12 февралдаги 66-сон қарорига асосан, вилоятдаги мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, ер турлари ва тоифалари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан тақдим этилган вилоятдаги мавжуд ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши ҳақидаги ҳисботи 1-иловага ва қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари:

тупрок унумдорлигини ошириш, ажратилган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан ўрнатилган тартибда назоратни амалга ошириш;

ердан фойдаланувчилар томонидан ўзларига ажратилган ерлардан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда фойдаланишларини таъминлаш;

ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ҳамда ерларни талон-тарож бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўриш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

3. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (М.Абдурахманов):

ер қонунчилигига амал қилган ҳолда вилоят бўйича ер кадастри хисоботларини юритилиши устидан назорат ўрнатиш;

суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш бўйича қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаш ҳамда натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиб борсин.

4. Мазкур карор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**Т.Боболов**





Вилоят ҳокимининг  
2021 йил “19” марта  
№863-сонли қарорига 1-илова

### Мавжуд ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

(гектарда)

№	Ер фонди тоифалари	Умумий ер майдони	Шундан: сувли майдони
1.	Ширкат хўжаликларига қарашли ерлар		
2.	Қишлоқ хўжалик муассасалари (массивлар)ларга қарашли ерлар	1259867	266033
3.	Ташкилотлар ва корхоналарга қарашли ерлар	84900	45609
4.	Қишлоқ хўжалик илмий-текширув муассасалари ва ўкув юртлари	2560	2049
5.	Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари	8851	4528
	<b>Жами қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларининг фойдаланадиган ерлари</b>	<b>1356178</b>	<b>318219</b>
	Жумладан: ижарадаги фермер хўжаликлар	702731	177265
6.	Шаҳар ва шаҳар туридаги қишлоқлар ерлари	11328	2872
7.	Саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар	110145	271
8.	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	194	3
9.	Тарихий-маданий аҳамиятларга молик ерлар	517	5
10.	Ўрмон фонди ерлари	325165	3148
11.	Гидротехник ва бошқа сув хўжалик иншоотлари хамда канал бўйидаги ерлари	24020	302
12.	Захира ерлар	182364	247
	<b>Жами ерлар</b>	<b>2009911</b>	<b>325067</b>

Вилоят ҳокимлиги Қишлоқ ва  
сув хўжалиги масалалари  
котибияти биринчи тоифали  
мутахассиси Т.Чоршанбиев



Вилоят ҳокимининг  
2021 йил “19” маарта  
№5-263-сонли қарорига 2-илова

### Қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши

(гектарда)

№	Ер турлари	Жами майдон	Шундан: сувли майдон
1.	Экин ерлар	278124	238632
	Шундан ҳолати ёмон ерлар	19744	19744
2.	Кўпийиллик дарахтзорлар	34215	32796
	Шундан: Боғлар Узумзорлар Тутзорлар Мевали кўчатзорлар ва бошқа кўпийиллик дарахтзорлар	15571 13337 4573 734	14604 13202 4573 417
3.	Бўз ерлар	292	
4.	Яйловлар	825786	
	<b>Жами ерлар</b>	<b>1138417</b>	<b>271428</b>

Вилоят ҳокимлиги Қишлоқ ва  
сув хўжалиги масалалари  
котибияти биринчи тоифали  
мутахассиси Т.Чоршанбиев